

“Gold agro fresh” МЧЖ: Биргина помидорнинг ўзидан ушбу мавсум 7 минг тонна экспорт қилмоқчимиз



“Термизгазтаъминот” корхонаси томонидан 2 та йирик иссиқхоналар тармоғига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига табиий газ етказиб бериш хизматлари кўрсатиб келинади.

Соҳа масъуллари бугун ушбу иссиқхоналар билан танишиб, табиий газдан самарали фойдаланиш ҳолатларини ўргандилар. Давлат томонидан тадбиркорларнинг қўллаб-қувватланиши натижаси ўлароқ, бугунги кунда иссиқхоналарда йил давомида маҳсулот етиштириш ва пишиб етилган маҳсулотни жаҳон бозорларига экспорт қилиш имконияти мавжуд.

Бугунги кунда “Gold agro fresh” МЧЖ иссиқхоналарида етиштирилаётган помидорлар ҳосилга киришни бошлаган бўлиб, корхона томонидан жорий мавсум давомида Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига 7 минг тонна помидор экспорт қилиш режалаштирилган.